



ТОШКЕНТ ҲАМ ҲАММАНДА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 221 (18.698).

Якшанба, 1983 йил 25 сентябрь

Баҳоси 3 тийин.

ШАРҚНИНГ ПОРЛОК ЮЛДУЗИ

Серқуёш Ўзбекистонимиз пойтахти Тошкент яқинида ўзининг икки минг йиллигини нишонлади. Жаҳон маданияти тараққиётга муносиб ҳисса қўшган кўна ва қадимий шаҳар узоқ тарих мобайнида турли воқеаларни ўз бошидан кечирди. Аммо фақат Совет ҳокимияти йилларидагина шаҳар ўзининг ёшлигини топди. Коммунистик партия энгилган йўл билан бир неча ўн йилликлар мобайнида неча-неча асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Шундай бир фактни келтириб ўтмоқчимиз. Революциядан олдин Тошкентда бир йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ҳозир азия шаҳардаги 170 бирлашма ва корхона бир ярим кундаёқ ишлаб чиқармоқда. Тошкент муҳри билан чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиздагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам шухрат қозонган.

Ҳақиқатан ҳам Тошкент ҳолсиз интили кишиларнинг эзгу орзуларини рўйга чиқаришда олжаноб роль ўйнамоқда. Шаҳар ўрта Осиёда революцион ҳаракатнинг бешиги бўлди. Дастлабки беш йилликларда Тошкент ишчилар синфи мамлакатнинг илустративиди ақибда намуна қўсатди. Революцион ҳаракатдаги жасорати учун Тошкент пролетариати Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганини ўзи унинг революцион ғайрат-шижоатидан ёрқин далиллардир. Тошкент В. И. Лениннинг содиқ шогирдлари ва садошлари — И. Т. Флютов, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбисhev, Ш. З. Элиава, Я. Э. Рудзутак, В. И. Голосовский сингари оташли коммунистлар ишқини фаолият қўсатган дийр. Бу шаҳар ўрта Осиёда социализм куриш ленинча ланини амалга оширишнинг бош штаби бўлган. Бу шаҳар Улуғ Ватан уруши йилларида ўзининг қайноқ бағрига минглаб етимларин олиб, бошини слаган шаҳар. Бу шаҳар Ватан пахтачилигини комплекс механизациялаш қароргоҳи сифатида донг тартаган. Бу шаҳар илм ва маърифат маскани, улуг доҳий В. И. Лениннинг муқорат маскани билан Шарҳда биринчи университетга пойдевор бўлган қадимки дийр.

Осиёдаги икки мамлакат халқи ўртасида инзо чиқиб, ҳавфли ёнгила айланиб кетиш хаффи туғилганида айна шу шаҳарда Тинчлик ҳақидаги Декларация имзолашнинг унинг тинчлик шакри сифатидаги обрў-эътиборини ошириб юборди.

Муқаддас шарҳимиз қиёфаси даҳшатли эзилганда кейин таниб бўлас ҳарҳанда эътибор кетди. Ҳозир Тошкент мамлакатнинг йирк саноат ва маданият маркази бўлиб қолди. Унда саноатнинг юздан ортқ тармоғига мансуб 424 замонавий корхона ишлаб турибди.

Шаҳримизнинг ҳақли равишда халқлар дўстлиги, қардошлиги ва ҳамкорлиги шаҳри деб аташди. Уни бутун мамлакат қайта бунёд этди, Москва, Ленинград, барча иттифоддош республикалар ном билан аталувчи маҳалла ва кварталлар бунинг моддий ифодасидир.

Тошкентнинг халқаро миқёсдаги эътибори йил сайин ўсиб, тинчлик, социал тараққиёт ва ҳамкорлик ишига қўйилган ҳиссаси тобора ортмоқда. Унинг кўпгина чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаси муттасил кенгайилмоқда. Тошкент маҳсулотини дунёнинг унлаб давлатлари мамияти билан қабул қилиб олмақда. Тошкент мутахассислари 32 ҳориний юрта ўзларининг интернационал бурчларини сиқидилган бақаришмоқдалар. Тошкент — катта халқаро анжуманлар, конференция ва симпозиумлар ўтказилган жой бўлиб қолди. Бундан чорак аср муқаддам айна Тошкент заминда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси ўтказилди, худди шу ерда икки қитъа адибларининг ҳаракатида пойдевор қўйилган эди. Тошкент руҳи — курашайтган қитъалар адибларининг жипслиги ва бирлиги руҳи, демократик адибларнинг импернализма, мустанлақчилига, агрессияга қарши курашдаги бирдамлик руҳи, ер юзиди инсонпарварлиги, тинчлик, социал ва миллий адиблар идеалларини қарор топтириш мудаоси ва қатъият руҳи шу заминда алуғда келиб, илм бор уздадан дарак берди. Маия энди орадан чорак аср ўтган, Тошкент Осиё ва Африка ёзувчилари еттинчи конференцияси қатнашчиларини очик қалб ва аҳсин ният, хушудлик билан кутиб олмақда. Утган йиллар мобайнида ёзувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳаракати беқис қенгайди. Биринчи Тошкент конференциясига 32 мамлакатдан келган ёзувчилар тўплаган бўлса, эртага ўз минин бошлайтган анжуманда юздан кўпроқ мамлакат ёзувчилари қатнашши ниятининг изҳор этишди.

«Ёзувчи ва ҳозирги замон» мавзунда ўтадиган учрашувда уруш ва тинчлик мавзун асосий ўрин эгаллашди, она ермининг тинчлиги, жаҳон халқларининг осийшқалигини таъминлаш йўлидаги умумжаҳон курашига муносиб ҳисса қўшишга ишончимиз комилдир.

Тинчлик ва саодат шаҳри, мардик ва жасорат, халқлар дўстлиги ва интернационализм шаҳри аҳолиси ва бутун республикамиз меҳнаткашлари Осиё ва Африка ёзувчилар ункан анжумани қатнашчиларига оташин салом йўллайдилар ва бу конференция ер юзиди тинчлик идеалларини қарор топтиришда ўз олдида қўйилган ваазифаларини шароф билан бақаради деб ишонч билдирадилар.

ВИСТАВКАЛАР БОРИБ КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ССРда МХР мунофиқ программасига мувофиқ очилган Монголия Халқ Республикаси тасвирий ва халқ амалий санъати виставкаси ҳамда «Ҳозирги Монголия» фотоэкспозицияси тошкентликлар билан республика пойтахти меҳмонларида зўр қизиқиш уйғотмоқда.

Кўпдан кўп томошабинлар фикр-қўлҳазалар китоблариди қолдираётган ёзувлар ана шу кўргазмаларнинг муваффақиятдан далилати беради. Ана шу ёзувларда қардош мамлакатнинг ўзига хос санъати билан яна ҳам яқинроқ танишиш, коммул ишонч билан социализм барпо этаётган халқнинг турмуш маромиин ҳис этиш имкониятини берганликлари учун экспозицияларнинг таш-

килотчиларига миннатдорчилик изҳор этилади. Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи ва СССР Халқлари дўстлиги Тошкент музейининг томошабинларини шу ерда жойлаштирилган экспозицияларидаги асарлар билан Монголия Рассомлар советининг раиси Ням-Осирин Цултем, Улан-Батордаги В. И. Ленин музейининг директори Жумдани Роозон таништириб бердилар.

КПСС Марказий Комитети Сисий бюроси аъзолига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 24 сентябрь кунни виставкаларни бориб кўрди. Ш. Р. Рашидов билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзо-

лари И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Уриубосарлари Р. Х. Абдуллаев, Қ. А. Ахмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев бу ерга келдилар. МХРП Марказий Комитети Сисий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Монгол — Совет дўстлиги жамияти Марказий кенашининг раиси Дамдингийн Гомбожав, МХР Маданият министри, Монгол — Совет дўстлиги жамияти Марказий кенашининг раисининг ўринбосари Довдогийн Цэвэгмид, МХР делегациясининг бошқа аъзолари экспозицияларини бориб кўрдилар. (ЎзТАГ).



Совет ва монгол халқлари дўстлигининг Ўзбекистон дийрида бошланган байрами саноат корхоналарининг цехлари ва музейларида, концерт залларида ва кутубхоналарда, кинотеатрлар ва дала шийонларида ўтади. Қардош мамлакатнинг намоёндалари ҳамма жойда азиз меҳмонлар сифатида кутиб олинмоқдалар. Монгол фильмлари кинофестивали тантанали суратда очилган республика Кино уйи олдиди байрам байроқлари кўтарилган. Совет ва

ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ АДРЕСЛАРИ

монгол усталари биргаликда суратга олган «Оби ва Хинган оша» лентаси кино кўриниши бошланди. Ўзбек кинематографиячиларининг «Ўзбекистон, қўшигим мени» ҳужжатли фильми ҳам кўрсатилди. Ўзбекистон Кинематографиячилар союзи правленесининг секретари, режисёр А. Ҳамроев МХР кўнларининг қатнашчиларига табрик сўзи билан мурожаат қилди. Республикамиз билан МХР кинематографиячиларини, де-дир у, ижодига эмас, балки шахсий дўстлик алоқалари ҳам боғлаган. Уларнинг кўпчилиги учун санъат йўли бир олий ўқув юрти — Бунтиттифок давлат кинематография институти даргоҳи-

дан бошланган. Ўзбек режисёри, кўпгина ҳужжатли ленталарнинг атери Турди Нодиров билан оператор Доғургарамов ана шу даргоҳда учрашдилар ва дўстлашиб қолдилар. Бугунги кунда Доғургарамов Ўзбекистон дийридаги дўстлик байрами тўғрисидаги лентани суратга олмақда. Улан-Батордаги В. И. Ленин музейининг директори Жумдани Роозон МХР кино санъатининг ривожланиши тўғрисида сўзлаб берди. 24 сентябрда қардош мамлакат вакилларини — Ўзбекистонда МХР кўнлари қатнашчиларини Самарқанд меҳнаткашлари самимий кутиб олдилар. Монголия намоёндаларини

область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Самарқанд область ижрокя комитетининг раиси С. Х. Ҳамроқулов кутиб олдилар. Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетида совет — монгол дўстлиги митинги бўлди. Митинг қатнашчилари иккала халқнинг бузилмас дўстлиги тўғрисида тапирдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ҳ. Худойбердиев, Совет — Монгол дўстлиги жамияти правленесининг раиси, икки марта Совет Иттифоди Ҳаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. В. Горбатко савфарида меҳмонларга ҳамроҳлик қилмоқдалар. (ЎзТАГ).

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

«ТАШСЕЛЬМАШ»

200.000 КОМБАЙН ТАЙЁР!

«Ташсельмаш» заводининг меҳнаткашлари ўз профессионал байрами — Машинасозлар байми меҳнатда катта ғалаба билан кутиб олмақдалар. 23 сентябрь кунни графикдан беш кун аввал республика машинасозлигининг шу пешкадам корхонаси йнгуа қонвеиеридан «200000» номерли пахта терш комбайни тушди. Тошкентлик машинасозлар «Пахта ҳосили теримини машиналар зиммасига юкляп-лик!» деган сўзларни шор қилиб олишган. «Ташсельмаш»

коллективи беш йиллик учинчи йили топириларини мўддатидан илгари бақариш учун социалистик мусобақани кенг кўпоқ ёйдириб, саккин оинини ўзидиги 6781 пахта терш машинасини тайёрлаб, мамлакатнинг пахтакор республикаларига жўнатди, шу жумладан пландан ташқари 36 та машина тайёрланди. Деҳқонлар терим масуми бошлангунча 1920 та янги серурум, пневмоподборшчилар билан таъминланган ХНП-1,8 маркали комбайнларини ҳам олдилар. (ЎзТАГ).

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Машинасозларни ҳақли равишда халқ ҳўжалигида техника тараққиётини амалга оширувчилар, деб атайдилар. Тармоқ коллективлари ишлаб чиқарётган серурум асбоб-ускуналар, гойа аниқ ишлайдиган приборлар ва автоматлаштириш воситалари, қудратли ҳисоблаш техникаси негизда мамлакатимиз саноати тубдан қайта ҳижозланмоқда. Машинасозлар кўнига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчилари маҳсулот сифатини ошириш, ягона техника сисати йўналишларидан фан билан алоқани мустанлаш кераклиги тўғрисида тапирдилар. Йиғилиш 23 сентябрда Москвада бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сисий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, ишлаб чиқариш илгорлари, пойтахт жамоатчилиги намоёндалари президиумга чиқдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. К. Антонов доклад қилди.

Йиғилиш иштирокчилари фан-техника тараққиётини ютуқларини халқ ҳўжалигида тезроқ жорий этиш, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йилги ноябрь ва 1983 йилги июнь Пленумлари қарорларини бақариш учун бутун куч-тарбия ва билиминини сарфлаймиз, деб ваъда бердилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун ёзувчи ўроққ Зиннат Рахмонов Фатхуллинга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берди.

РСФСРнинг Ноқоратурпоқ зонасидаги объектларга ва Тюмень областининг йўл қурилишида актив қатнашганилиги ва самарали ишлаганилиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари ва буюри, «Гавсрэдзавострохострой» трестининг 6-иқтисослашма механизациялашган кўма колоннаси экскаватор машинисти Николай Александрович Баринов, Ўзбекистон ССР Сув ҳўжалиги қурилиш давлат комитетига қарашли «Узпавтрострой» қурилиш бошқармасининг 2-иқтисослашган механизациялашган кўма колоннаси бульдозер машинисти Эркин Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Ишроқ қурилиш министри Набижон Ганиевич Қўрбонов, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва Сув ҳўжалиги министрлигига қарашли «Узновгоровострой» трестининг «Тошкент-9» иқтисослашган механизациялашган кўма колоннаси бульдозер машинисти Загидулла Мухамедович Шайдуллин ўроққларига «Ўзбекистон ССРда хизмат қўсатган ижрокятор» Китоб автомобиль йўллар ушакчасининг кран машинистини ўроққ Хайрулла Норқобитовга «Ўзбекистон ССРда хизмат қўсатган бинокор» фахрий унвони берилди.

Республика сув ҳўжалиги ва йўл қурилиш ташкилотларининг Владимир, Иванов, Новгород ва Тюмень областлариди ишлайтган бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрликлари билан мукофотландилар.

ЖОНАЖОН БАТАНИМИЗДА

ПСКОВ. Область марказида очилган иқтисослаштирилган «Псков» магазини харидорлар талабини ўрганувчи ўзига хос лаборатория бўлиб қолди. Областаги эллипти завод, фабрика ва ишлаб чиқариш бирлашмаси бу ерга ўзининг янги маҳсулотини юбориб туради, харидорлар билан учрашув ўтказида. Бу эса моделларнинг ўзгаришига қараб, тез орада янги маҳсулот чиқариш ва уларни ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, халқ учун чиқарилаётган моллар сифатини яхшилаш имконини беради.

«КОЗОН. Татаристондаги қанд заводлари янги лавлага ҳосилини қайта ишлашга киришди. Маҳсулотнинг дастлабки қисми ишлаб чиқарилди. Буини қанд заводи коллективи янги масвумга ҳаммадан ахши тайёрларки қўрди. Бу ерда хом ашёни саклейдиган майдонлар қўшимча равишда бетон қилинди, принциплари бўлган ва кўп қол ортилган автомобиллари қабул қилга оладиган гидротранспортер, автоподъемниклар, лавлага уюмларини ортадиган машина ўрнатилган. Корхона ҳар кунби бир ярим минг тоннадан кўпроқ лавлагини қайта ишлаш олади. (ТАСС).

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ



СУРАТДА: (чапдан) Мустафа ал Ферси (Тунис), Мунис Биссу (Фаластин), Али Окин Арсан (Сурин), Файз Ахмед Файз (Поникстон), Сарвар Азиев (Ўзбекистон), Абдурахмон ал-Хомисий (Миср), Алекс Ле Гума (Жанубий Африка), Маммаду Троре Диоп (Сенегал), Умар Азиз (Жазир), С. Косорунов (Москва), Асеева Георгий Маршал (Эфиопия) ўзаро суҳбатда.

В. Молчанов фотоси.

Сўз—биринчи конференция қатнашчиси

МАНГУЛИК

Расул ГАМЗАТОВ,
Догистон АССР халқ шоири, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони

1958 йил, октябрь. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрининг муҳташам биноси. Икки қитъа мамлакатларидан келган юзлаб адиблар ўтирган ана шу залда «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси» очилди деб эълон қилди. Мана шу фактнинг ўзиёқ икки қитъа адиблари ҳаракатининг бирдмчилиги фазилати, унинг самарасидир.

Агар биз тарихда мисли кўрилмаган бурилиш ясаган воқеа-ҳодисаларда, курашлар сафида ҳамisha «Тошкент руҳи»дан илҳом олган адиб-шоирлар пешқадим бўлишди. Мана шу фактнинг ўзиёқ икки қитъа адиблари ҳаракатининг бирдмчилиги фазилати, унинг самарасидир.

Агар биз тарихда мисли кўрилмаган бурилиш ясаган воқеа-ҳодисаларда, курашлар сафида ҳамisha «Тошкент руҳи»дан илҳом олган адиб-шоирлар пешқадим бўлишди. Мана шу фактнинг ўзиёқ икки қитъа адиблари ҳаракатининг бирдмчилиги фазилати, унинг самарасидир.



ганлигини кўрасиз. Еки бутунги кунда совет адабиёти хазинасидан ўрин олган дурдона асар ҳар иккала қитъа адиблари томонидан ўз она тилларига ўтирилди, чоп этилаётган ва турли халқлар томонидан севиб ўқилаётган. Яъни, турли халқлар адабиёти яқинлашмоқда, адибларнинг ижодий ҳамкорлигидаги фаолиятлари доираси кенгаймоқда. Айни чоғда бу катта самаралар беришти. Бу—икки қитъа адиблари ҳаракатининг иккиламчи фазилати.

Чинанкам санъат асари бой таърибига асосда яратилган сир эмас. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциялари дунё адибларининг ўзаро яқинлашуви, таърибига асосда яратилган сир эмас. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциялари дунё адибларининг ўзаро яқинлашуви, таърибига асосда яратилган сир эмас. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциялари дунё адибларининг ўзаро яқинлашуви, таърибига асосда яратилган сир эмас.

Юракларини тўқилантирадиган улуг анжуманга — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент

да ўтказилган биринчи конференциясига иштирок этганим билан халқ-ҳамон фахрланаман. Чунки, мен инсонларнинг бахт-саодати ва келажак авлод тақдири ҳақида кизгин фикр олишувлар ва ижодий мулоқотларга бой бўлган бу каби анжуманни кам кўрганман! Шуниси эътиборга лойиқки, конференциянинг муътабар минбаридан айтилган ҳар бир сўз фароғатли умр кечиришни орзу қилётган жаҳон халқларининг муддаоси билан ҳамбарчас боғлиқ эди. Бу минбардан янграган ҳар бир шеър, ҳар бир нутқ давр учун ниҳоятда долзарб масалаларга қаратилган ва юракларни дарзага соладиган ҳаяжонга йўғрилган эди.

Шоир овози — халқ овози. Бизнинг овозимиз ўзимизгагина тушунарли бўлиб қолмасдан, балки шу улуг анжуманга йўллаган халқларимизнинг кўнглига ҳам тушунарли, яъни эди. Ҳеч ёлдамдан чиқмайди, ўшанда анжуман бошланмасиданоқ ҳамма ерда дўстона муҳит юзага келди, яъни бу ерга келган ва турли миллатга мансуб бўлган адиблар табиий равишда, самимий тарзда бир-бирлари билан оғанини бўлиб кетишди. Чунки, улар дарди ҳам, орзу нияти ҳам, мақсади ҳам бир бўлган кишилар эди. Уларнинг барчаси бирдек инсонлар саодатини, порлоқ келажакни истаётган, она еримизни яшатишга бел боғлаган кишилар эди!

Орадан чорак аср ўтди ва аммо бизларнинг ўша дўстлигимиз мустаҳкамланса мустаҳкамландики, лекин бузилмади. Чунки, бу дўстлик самимий эди. Мен ҳамон жуда кўп мамлакатлардаги шоир дўстларим билан хат олишиб тураман. Бу дўстлик мулоқотлари хотирамиздан мустаҳкам жой олган ва қачон шу ҳақда ўйласам, юрагим нури, илҳомбахш туйғулarga тўлади.

Дўстлик ва биродарлик инсон ҳаётида муҳим қимматга эга, у — секинчи манба. Мана, Шарқнинг кўркам ва хушманзара шаҳри — Тошкент Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII халқаро конференциясига таърибига асосда яратилган ва турли мамлакатлардан келётган адибларни қучоқ очиб қарши олмоқда. Кун сайин дўстлар давраси кенгаймоқда! Ҳозирги шодона дамларда ғам-ғусса орангиза оралай олмайд. Бугунги кунда биринчи конференцияда иштирок этган адиблар ҳаяжони алоҳида, чексиздир: анжуманинг йигирма беш йиллиги нишонланмоқда.

Икки қитъа адиблари Ўзбекистоннинг гўзал-пойтахтига янада фойиз киритишди. Севинчлар ҳаддан зиёд. Мен ўйлайманки, бу секинлар, конференция кулларидаги бирдмлик руҳи ҳамisha кўнглиларимизни кўнглиларимизга яқин қилади.

АФГОН ШЕЪРИЯТИДАН

КУРАШДА ТУҒИЛГАН ТАРОНАЛАР

ҚАРДОШ афгон шеърини кундан кунга гуллаб-яшнамоқда. Бу шеъринг намоёндалари қаламга мансуб асарларда халқнинг асрий орзу-умидлари, уни рўёбга чиқариш йўлидаги кураш ва фидойи кишиларнинг жасоратини тараннум этилади. Ўзбек шеъронлари афгон шеърини билан яқин таниш. Таниқли афгон шоири Сулаймон Лойкининг «Тонг қўшиги» шеърини тўпلامи китобхоналарнинг сеvimли мажмуасига айланган. Шунингдек, Абдулла Нонбий, Ғулом Дастагир Панж

Ғулом Дастагир ПАНЖШИРИ

ОЛИЙ НИЯТ

Ишчи дедон қалин дўст-ёр эса, Саф — пўлат, мақсад шижоаткор эса, Бу жаҳон охири Ғулмон бўлгус, Зулим элини айвонини айвон бўлгус. Янграмоқда даҳр аро қудратли саз, Иқтилоб бонги эрур мағрур овоз — Янги санъат, янги ғайрат наъраси, Дилда янграй янги дунё наъраси. Ҳар кишиким оқилу доно эрур, Фирқиде янги тилки, маъно эрур. Қилмас ишчи қалбда олий ният, Топмағай ҳеч битта душман авфийат. Шу ният бирлаштира элларин ҳам, Янги мавжга тўлдир дишларин ҳам. Ким кураш байроғини тутса баланд, Эл аро хизмат-ла бўлғай аржиманд. Сарингун бўлғай зулим қўзғолса халк, Эрк учун кўлга қўролин олса халк. Айлангиз, эй илчилар, сиз ахду мада, Эрур курашлар бирла кирғай кўлга бахт.

ИШЧИ ШИОРИ

Шеърларингда доимо асфиди баҳор, Е мудоом зол таърифи, Ё ҳусни ёр. Тобакан бўлбуга гулли мада этиб, Лол этар ақлигини қирмиз лопазор! Бир қаро кўз ёнда қай вақтгача Мاستу мангунваши юрурсан беқарор! Ахтариб гулчуларини, баш эрур, Дамт кезурсан неча пайт донишвор! Зулуф кочилларини сўнгис маҳдидан Топмағайу жону ишқон ранку зор! Эй димқиқан шеърини, эр бебаҳар, Айт, қачон нисоф сема бўлғай шор! Барча арзон, юф-савз сатрингга, бил, Бермағайдир энди халқ ҳеч эътибор. Ушбу халку ушбу тупрок, ушбу юрт Утди, жўшқин бир нидога нитзор. Жуманиз ЖАБОРОВ таржималари.

Сулаймон ЛОЙИК

МЕН БИЛАМАН

Равон бўлур мавжон хун, мен биламан, Золим бўлур сарингун, мен биламан. Ватаним ҳар бир қарич заминни, деб Ҳар дил бўлгус Мажнун, мен биламан. Деҳқоннинг пок қалбига орзулар бор — Ким бўлур бизга қонун, мен биламан. Юзлаб Фэрҳодлар машғул тош йўнида, Ватан бўлур бистун, мен биламан. Маълум кўздан оққан ҳар қатра ёш Бўлур нисоли Жайхун, мен биламан. Бугун бизин титратган наърали шер Эрта бергай сарден уи, мен биламан. Топлардаги лочинлар уйғонинлар, Уйғунинг шарҳи узуи, мен биламан. Ғоёт чарчадим, ҳордим зулматда мен Бина қайтай сабохун, мен биламан. Оғтиб тўшгай қўлоқлар ўтовига, Шахтимиз кўргай очун, мен биламан. Мухаммад АЛИ таржимаси.

Бир саволга уч жавоб

Субхас МУКЕРЖИ,
(Хиндистон)

ОСИЁ ва Африка мамлакатларининг бу муътабар форуми ҳозирга қадар тинчлик, социал тарққиёт ва халқлар озолиги учун, ижод равнақи, турли мамлакатларда қалам тегбратганлар ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун катта ишларни амалга оширди. Мен жуда кўп ижодий анжуманларда бўлганман. Лекин икки қитъанинг мунтазам ўтказиб келинаётган конференциясидек актив, билимдон, ташкилотчи, халқлар ва адабиётлар тақдири учун тиним билмай курашувчи бундай халқаро даврани кам кўрганман. Агар биз икки қитъа адабиётида сўнгги йилларда қўлга киритилган ғалабалар ҳақида ўйласак, биринчи набатда мана шу конференциянинг хизматини миннатдор бўлиб эста оламиз.

Мен ўзбекистонлик ҳамкасбларимга, бутун Ўзбекистон ақлига ҳавас қиламан. Улар бундан йигирма беш йил муқаддам ўтказилган конференцияни ниҳоятда чиройли қилиб ташкил этишган эди. Ана шу форумдан кейин турли мамлакатлар ёзувчиларининг ўзаро алоқалари янада мустаҳкамланди. Ўзбекистоннинг замон билан ҳамназми, энг муҳими, дунё тақдири учун жавобгарлиги ҳисси ҳавас қилса аравигуллик даражада қўйсади. Шоирларимиз тинчлик мавзуда бир-бирдан гўзал асарлар яратди. Конференция шарофати билан ўзлашган алоқалар туфайли ана

БЕМИННАТ ВА БЕТАКРОР ХИЗМАТ

КОНФЕРЕНЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ ВА УНИНГ ЕТТИНЧИСИДАН НИМАЛАР КУТАСИЗ?

шў шеърлар, ҳикоялар, публицистик мақолалар қисқа вақтда бошқа тилларда ҳам ўқилди. Шу ўринда конференция сабаб бўлиб ҳиндистонлик ёзувчилар ижодияда пайдо бўлган янгиликларни, юксалишларни алоҳида мамуният ва миннатдорчилик билан айтиб ўтаман. Бизни, ижодимизни бошқа халқларга таништиришга ҳисса қўшаётган конференцияга ташаккур.

Аввалги конференциялар муваффақиятли ўтиб, икки қитъа ёзувчилари ижодияда, ҳаётида, ўзаро алоқа ва ҳамкорликларидан Ёрқин из қолдирган. Бу галги форум ҳам, шубҳасиз, улуг ишларга хизмат қилишга бел боғланган ва буларнинг барчасини амалга оширди. Конференцияда иштирок этиш шарофига мўъассар бўлганлар яқиндагина ўзининг икки минг йиллик тўйини нишонлаган машҳур Тошкентда бўлганликлари, улуг айём кўндаларида унинг кўчаларида сайр қилганликлари, ҳамкасблари билан ҳозирги замон адабиёти олдига турган долзарб мавзулар тўғрисида батафсил фикрлашиб олганликлари унутмас керак. Тошкентнинг тарихий кўндаларида ўтаётган конференция биринчи навбатда тинчлик ишига актив

хизмат қилади деб ишонамиз. Маммаду Траоре ДИОП (Сенегал) СўНГГИ йилларда Осиё ва Африка адабиётида ажойиб ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бадийи маданияти эндигина шаклланиб келаятган мамлакатлар ижодкорлари адабиётнинг барча жанрларида асарлар яратишпти. Тинчлик мавзуда ёзилган асарлар кундан кунга кўпаймоқда. Энг муҳими, ҳозирги давр адабиёти ер юзиде мустаҳкам тинчлик бўлиши учун бутун ғуҷуд билан курашувчи марду майлонга айланди. Тинчлик, социал тарққиёт ва халқлар озолиги учун кураш йўлида тер тўқаётганларнинг ўзаро алоқалари янада мустаҳкамланди. Булар Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси шарофатининг моҳиятини белгилайди.

Бизнинг мамлакатда адабиёт ҳали унчалик равнақ топмаганд бўлса-да, ёзувчиларимиз бошқа илгор бадиий маданият, биринчи галда ҳоват бадиий маданиятига ҳавас қилишлари, ундан ўрганишлари, бамаслаҳат ижод этишлари билан кураш қилади кишини. Матълумки, ҳозирги замон адабиётида ижтимоий-сиёсий темада му-

носиб асарлар яратиш кўп-қў талаб этилмоқда. Бу турли талаб ва ҳаракатдир. Негаки, дунёнинг турли бурчакларида урушга ҳавасманд кишилар ҳали бор, уларнинг тинчликни қадрла-майди дўстлар ҳам йўқ эмас. Шу боисдан тинчликни қадрла ва тинчлик учун кураш деб даъват қилаётган совет ҳамкасбларини бор овоз билан ёқлайман. Совет Иттифоқининг ҳар бир ёзувчиси биринчи навбатда тинчлик учун курашчидир. Бунинг уларнинг ажойиб шеърлари, поэмалари, «Ғамал», «Йўл танлаш» каби машҳур романилар мисолида илҳом қолди. Мен шу ҳақда ўйланганимда, «бу ютуқларда Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг, унинг даъватининг ҳали ҳиссаси бор» деган ҳулосага келаман. Ҳа. Икки қитъа форуми эъзулик ишига беиминнат ва бетакрор хизмат қилмоқда.

Еттинчи конференциянинг Тошкентда улуг масканда ўтказилганлигидан хур-сандимиз. Осиё ва Африка ёзувчилари бирдмчилиги пой-деворида ғишт қўйган бу шаҳар ва унинг атоқли маданият ариоблари еттинчи конференцияни ҳам кутлгандек муваффақиятли ўтказишларига ишончимиз ко-

мил. Мен бу галги форум ҳам аввалгилари сингари ёзувчилар ҳаракатининг ривожига янги босқич бўлади, ҳаракат сафларини яна ҳам яқинлаштирилади, жаҳонда пайдо бўлаётган янги прогрессив кучларни империализмга, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши курашга янада актив жалб этади, деб ишонаман. Форум миллий мустақиллик ва ер юзиде тинчлик учун курашда илгор фирқиде ёзувчиларнинг тутган ўрни масаласини муҳокама қилиб, кучайтиришга хизмат қилади.

АЛИ ОКЛИН АРСАН (Сурин)

ИККИ қитъа конференциясини тарихий кўндаларда ўтаётганлиги билан эсда қолади. Биз форум сабаб бўлиб яқинидагина ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлаган Тошкентнинг ҳали давом этаётган тантаналари ғуҷуби бўлди. Мен Осиё ва Африка ёзувчилари бирдмчилиги ҳаракатига буюк ҳисса қўшаётган бу шаҳарнинг бугунги манзарасини, кўрку жамолини, қиёфасини ўз мамлакатимда ҳам кўришни орзу қиламан. Шундай улуг масканда иш бошлаган конференция фаолиятини қандай баҳолаш мумкин?! Фақат аъло даражада! Ҳа, ик-

ки қитъа форуми дунёга маълум ва машҳур «Тошкент руҳи»га таяниб, унга асосланиб, фақат ғалаба қилмоқда. Тинчлик, дўстлик ва тарққиёт учун курашда бу конференцияда кўдратли форумни кўрмаганимиз.

Мен бир нарсга алоҳида тўхталмоқчиман. Конференциянинг талабаларига мувофиқ ишлатилганларнинг биринчилари совет адиблари, маданият арбобларидир. Улар икки қитъа адабиётини, ёзувчилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан биргаликда тинчлик мавзусида, урушнинг кескин қораловчи, фойс эрувчи тарихий асарлар яратишмоқда. Бу ҳикоя ва қиссалар, шеър ва достонлар тинчлик темасига, эъзуликка ўзига хос ғимидир. Бошқа мамлакатларда ижод қилаётган ҳамкасбларимиз дўстларимизнинг бундай улугвор фаолиятиндан ҳар қачан ўргансалар, ибрат олсалар арзийди.

Осиё ва Африка мамлакатлари олдига жуда катта вазифалар турбиди. Бу мустаҳкам тинчликни сақлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш, ўзга мамлакатлардаги илгор фирқиде кишиларга янада яқинроқ бўлиш, дўстлик ва тарққиётга эришишга даҳамиятдор, бамаслаҳат иш кўриш, адабиётнинг бугунги бош мавзусида бир-биридан гўзал асарлар ижод этиш демандир. Мана шу мақсадларга эришишда еттинчи конференция тарихий роль ўйнайди, деб ишонаман. Эъзулик элчиси — Тошкент конференцияси яшасин!

ИЖОД ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЕН ДАФТАРДАН

1. ЖАНРЛАР ичиде энг бадийи — наср. Адабиёт том маънода фақат шеърятдир. Шеърятини ўзига сингдиришмаган насрга адабиётда ўрин йўқ. Бинобарин, тарихий ва биографик асарлар ҳам наср ҳисобланади.

2. НОСИР тарихчи ёки биограф бўлишдан ташқари шоир ҳамдир. Демак, у [муайян бир мамлакатда, муайян бир даврда] халқ ҳаёти билан ҳамбарчас алоқада бўлади. Мура-сам Сикинбўдан то Изабел Сай-акутача бўлган япон адиб-ла-

рининг асарлари бунинг далилидир. 3. ШОИР — юрагиде борини барчага тўкиб соладиган шахс. Шундай экан, ёзувчи фақат шоир эмас, балки тарихчи ва биограф ҳамдир. Унда биография битишга лаёқат бўлиш баробариде хотираларини ёзиш ижтисори ҳам бўлмоғи керак. Ўзунда шоирлик иқти-дорини ижодда устуи турмас-лиги лозим. Бу иқтидор тарихчи ёки биография нисба-ти устуи турса, у ҳолда ҳаё-ти фожиага айланади.

4. ЮКОРИДА зикр этилган уч амалдан ангишилдиб турбиди, ёзувчи ўзинда уч талант-ини бирлаштириш бўлади: шо-ир, тарихчи ёки биограф та-ланти ва тўғма талант. Биздан илгари ўтган санъаткорлар бу уч талантни санъаткорлар-га кўймаслигини маънақат ҳи-соблашган [кимки бунинг осон деб ҳисобласа, у бор-йўғи ўртамайна ижодкордир]. Ўзу-чи бўлишга аҳд қилган киши махсус курсин битирмасдан турбид, кўнчада катта тезлик- билан машина бошқариб бо-

раётган ҳайдовчиға ўхшайди. У ўзининг ҳаёти тинч ва осийиш- та кечинишга ишонамайди. 5. УМРИ ТИНЧ ва осийишта кечмаслигини билган ёзувчи эса ўзидеги куч, пул ва ҳаётга нисбатан фалсафий қарашлар- га [суронли ҳаёт кечиринишга] ишонини керак. Бу қанчалик яқри бўлмасин, шунинг эсда сақ- лаш жонки, осийишта ҳаёт ва ёзувчилик ҳеч қачон бир-бири- билан келишолмайдик. Кимки осийишта ҳаётга интиласа, ёзувчиликдан воз кечгани маъқул. Чунки, бир маромад-

тингична кун кечирган ижод-корнинг таржиман ҳолда, та-бикии, эсда қоларлик хотира-лар бўлмайди.

6. МАБОДО АДИБ осийишта ҳаёт кечирмоқчи бўлса, албат- та, у тўғма талантнинг тобланиш даркор. Бу, адиб тўғма талан-ти билангина етук асарлар би-тишга қодир, деган маънони англатмайди. Тўғма талант тақ-дирининг хўжайини бўлди, де-ган гап ўша адибнинг ўтакет-ган тубан кишилар билан му-росеа қилиб яшашини англата-ди.

8. ҲАР БИР МАЛАКАТДАГИ муайян даврда яратилган нас-рий асарлар [тарихий шароит таъқозосига кўра] маълум қон-даларга асосланган бўлади. Ўзунчиликка бел боғлаган ки-ши бу қондаларга амал қили-ши шарт. Бунинг фойдаси қу-йидагича изохланади: 1. У-ғимдагича ижодкорлар таъри-басига таъиниб янги асарлар яратиш мумкин. 2. Ўзининг қанчалик билимдон қилиб кў-р-сатишга уринсанг-да, барибир-и жодда устулурга эришол-майсан. Лекин шу йўллар би-лан етук асарлар яратиш мум-кинлиги ҳам ҳақиқатдан йи-

роқ. Даҳо эса бу қондалар-нинг ҳаммасини чилпарчин қи-либ ташлайди. Даҳо оқимға қўшилдиб сўзмайди. У маълум оқимкиликка иттирилади, бош-қача айтганда, адабиётдаги ижтимоий ўсишдан ёки ўза-ришдан ташқарида ўз дунёси-ни яратди. У адабиёт осмон-ининг қуёш системасидан ташқаридаги сайёрга ўхшай-ди. Шу сабабдан уни Сўзи яша-ган даврдада тушунишмайди ва кейинчалик ҳам тан олинмиш қилин бўлади.

9. ЎЗУВЧИЛИККА аҳд қилган киши фалсафий, аниқ фанлар ва иқтисодий соҳадаги ғоя-ларга эҳтиётли билан ёнда-шиш лозим. Ҳар қандай ғоя ёки назария, ҳозирча қис-даҳшат солиб турган ки-шининг ҳаётига ҳокимлик қил-ол-майди. Ҳаётини қандай бўл-са, шундайлигича кўриш ва тас-

аврлаш керак. Фақат ана шу йўлгина тасвирининг табикии-лигини таъминлайди. Ўзунинг та-наш зарур бўлган энг асосий усул, бу — ҳаётини табикии-ли-гича тасавирлашдир. «Қандай бўлса иштинлайиш», деган иборани эса қўйидагича ан-г-лаш лозим: ҳаётдан нуска кў-чирмаслик даркор. Уни ёзув-чи ингоҳи билан кўриш ва та-бикии аҳд этириш керак.

10. НАСРИЙ АСАР ҳақидаги ҳар қандай қонда олтинга тенг эмас, бинобарин менинг «Уи қонда» ҳам олтин қондалар эмас. Кимнинг тақдирида бор экан, у албатта ёзувчи бўлади. Кимнинг тақдирида йўқ... бу ҳақда гап бўлиши ҳам мум-кин эмас...

Қ. ОЧИЛОВ таржимаси.

1983 йил ҳосил мавсуми:

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚўШАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● БИР МИЛЛИОН ТОННА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ТАЙЕР! — ана шу хушхабар республикамиз бўйлаб қанот ёйди. Пахтакорлар ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилда она-Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришдек шарафли вазифани бажариш йўлида йиғим-терим суръатини тобора жаддалаштиришмоқдалар.

● 23 сентябрь куни давлат оморларига 85 минг тонна пахта, шу жумладан, 8 минг тоннадан ортиқ ингичка толали пахта етказиб берилди. Мавсум бошидан буён эса 82.675 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Бундан 52.781 тоннаси Сурхондарё области заршунослари томонидан териб олинди.

● Ҳосилни «зангори кема»ларда териб олиш суръати ҳам оширилмоқда. Бир кун мобайнида 16 минг тоннадан зиёд пахта «пўлат этак»лардан тўкилади. Тошкент области пахтакорлари илгор технологияси асосида ишлаб, кунлик ўсишда энг юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Тошкентлик «пўлат от» суворийлари бир кунда 5,3 минг тонна ҳосилни йиғиштириб олдилар.

ҚАССР:

ОИЛАВИЙ ЭКИПЛАЖЛАР

Машина терими — иш унуми. Буни яхши тушуниб Қорақалпоғистон механизаторлари машина теримини кун сайин авж олдиришмоқдалар. Оилавий экипжаблар ва эвенолар ташкил этилиб, мусобақа кучайтирилди. Элликқалъа районидан ана шундай 20 экипжаб ишлаётди. «Элликқалъа» совхозидан ака-ука Матупаевлар уч машина ёрдамида кунига 60—70 тоннадан пахта теришмоқда. Мавсум мобайнида улар 1.500 тонна пахта-ни машинада териб беришди.

СИРДАРЕ:

УРОҚ ВА БОЛГА ИТТИФОҚИ

В. И. Ленин номи Янгир бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати меҳнат аҳли билан Меҳнат-обод районидан Ганисер Юнусов номи совхоз пахтакорларининг дўстлиги, ҳамкорлиги йил сайин мустахкам-ланмоқда. Уроқ ва Болга иттифоқи, айниқса, йиғим-терим мавсумида аққол ўз аксини топади. Комбинат ишчи ва мутахассислари 40 прцеп, 15 трактор, 10 пахта териш

машинасини мавсум арафасида ремонтдан чиқаришди. Ҳозирги долзарб кунларда эса комбинатнинг ишчилари А. Ошқин, В. Зайков, Р. Абдиков, Г. Крокин махсус тақрирлар билан ўтиб, терим агрегати штурвалларини бошқаришмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳозир 10—15 тоннадан пахта терди. Йиғим-терим охиригача шарҳлик механизаторларнинг ҳар бири 100 тоннагача «оқ олтин» териб беради.

ТОШКЕНТ:

МЕХАНИЗАЦИЯ
ШАРАФАТИ

«Бўка» районидан ўтган кун 318 терим агрегати ишлади. Ҳар бир агрегат ёрдамида 5 тоннадан пахта терилди. Райондаги Фрунзе номи, «Партия XIX съезди» ва «Коммунизм» колхозларининг механизаторлари яхши ишлашмоқда. Бу хўжалиқлардан ҳар бир машинада ўрта ҳисобда 6,5—8 тоннадан ҳосил терилмоқда.

АНДИЖОН:

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Марҳамат районидан «Пахтакор» колхозининг Ж. Ҳамдамов бошлиқ бригадаси эвенолар бу йил адири ерларнинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштиришга етди. Ҳисобларига асосан, Ҳамдамов бригадаси эвенолари 24,5 центнердан эвенолар панини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

СУРХОНДАРЁ:

БИР КУНДА 15 ТОННА

Областа 975 терим агрегати юксак унум билан ишлатилди. Денов районидан ҳар бир машинада 3,3 тонна, Ленин йўли районидан 3,1 тоннадан пахта терилмоқда. Тагарин районидан «Навбаҳор» совхозининг беш ака-ука — Абдумўмин, Абдумурод, Панжик, Нормурод ва Абдурайим Сафаровлардан иборат оилавий эвеноси бир кунда 15 тонна «оқ олтин» териб, мусобақа пешқадами бўлди.

ҚАШҚАДАРЕ:

ИПАК ПАХТА —
БОЙЛИГИМИЗ

Ғузур районидан «Халқ-обод» колхоз заршунослари тайёрлов пунктларига 210 тонна ингичка толали пахта топшириб, маррани эгалладилар. Ҳосилдорлиги 400 / тоннага етказиб ғалаба кучин пахтакорларнинг асосий шioriдир.

БУХОРО:

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ
КУНИ ШАРАФИГА

Свердлов районидан Калинин номи колхозининг Н. Бақоев етакчилигида бригадаси эвенолари зафар кучида Гектардан 32 центнердан ҳосил олинди ва план бажарилди. Бригадасида 50 центнерлик маррани эгаллаш учун мусобақа қизилиштирилди. Юксак марра СССР Конституцияси кунига эгалланди.

ХОРАЗМ:

БИР ТАН, БИР ЖОН БЎЛИБ

Хива районидан юздан зиёд оилавий эвенолар пахтазорларда жавлон ураётди. Қутлиевлар силаси эвенолари — Раҳим, Анбаржон, Каромат, Саломат ва Нурпўштон кунига 340—350 килограммдан пахта териб, хирмонга топширишмоқда. Уларнинг ҳозиргача терган пахтаси 21 тонна бўлди. Оилавий эвено мавсум давомида 80 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган.

«Оқ олтин» жирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	1,76	35,79	0,36	1,01
Хоразм	1,81	21,65	0,26	0,91
Навоий	1,20	19,72	0,01	0,07
Сурхондарё	1,59	17,67	0,76	4,09
ҚАССР	1,71	17,37	0,93	3,25
Самарқанд	1,12	16,01	0,06	0,15
Қашқадарё	1,26	14,61	0,34	1,13
Фарғона	1,92	13,84	0,01	0,01
Андижон	1,50	12,91	0,01	0,01
Тошкент	1,85	12,39	1,51	4,39
Наманган	1,28	10,16	0,11	0,55
Сирдарё	0,62	5,29	0,14	0,26
Жиззах	0,70	2,16	0,83	1,22

Республика бўйича:	1,44	15,34	0,41	1,37
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,95	29,63	—	—
Навоий	1,04	26,98	—	—
Сурхондарё	2,23	21,99	1,35	4,99
Наманган	3,20	17,00	—	—
Қашқадарё	1,59	14,11	0,09	0,15
Республика бўйича:	1,95	20,16	0,81	2,94

▲ БУХОРО ОБЛАСТИ. Ҳовкент районидан «Пахтакор» колхози далаларида «зангори кема»лар юксак унум билан ишлатилмоқда. Хўжалик эвенолари кўзда тутилганда 42 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Она-Ватанга 4 минг тоннадан зиёд пахта топширилади. Ҳосилнинг 80 процентини йиғим-терим-транспорт орада эвенолар териб беришди. Суратда: мавсумда 250 тонна пахта териш мажбуриятини олган механизатор И. Солиев.

А. Мирзажонов фотоси.
(ЎзТАГ).



Пахта йиғим-теримини кучайтирайлик!

ИККИ РАЙОНДА ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Пахтачи районининг заршунослари давлатга «оқ олтин» топширишда Самарқанд областида биринчи ўринда бормоқдалар. Район бўйича кунига тайёрлов ташкилотларига икки процентга етказиб «оқ олтин» жўнатилаётди. Ҳозир 16 та «зангори кема» ишга туширилди. Яқин кунларда мавсумда 270 та машинанинг ҳаммаси далага киритилди ва икки сменада ишлатилди. Кунига икки планнинг 6-7 проценти микдорда «оқ олтин» тайёрланади.

Айни пайда пахта йиғим-теримиде 12 минг теримчи қатнашмоқда. Район бўйича ҳар бир теримчи ҳисобига ўртача 80 килограмм пахта тўрача келаяпти. Қўллаб илгор теримчилар эса 250-300 килограммдан пахта териб, ҳаманинг ҳурматиға сазовор бўлмоқдалар.

Карл Маркс номи колхоз панини 40 процент бажарди. Хўжалик кунига йиллик план

нинг 2,5-2,6 проценти микдорда «оқ олтин» тайёрлапти. Охунбобоев номи, «Коммунизм», Свердлов номи, Калинин номи колхозларда ҳам суръат кун сайин кўтарилаётган.

Муваффақиятнинг сирини шундаки, теримчилар ва механизаторлар орасида меҳнат интизомини мустахкамлаш, уларда ҳосил тақдирини унум масъулият кучайтирилди. Теримда советлик график усули кенг жорий этилмоқда. Қим қанча пахта тергани ҳар соатда эълон қилиниб, мусобақанинг ошқоралиги таъминланмоқда. Коммунистлар йиғим-теримда

авангардлик ролини ўйнаптилар. Лекин, Большевик райониде бошқача манзарани кўриш мумкин. Район бўйича йиллик пахта тайёрлаш панини эндиликча 15 процент атрофида етди.

Коллоқининг сабабини шундаки, район партия ва совет ташкилотлари мавсумда ишчи кучлари, техника воситаларини йиғим-теримни кучайтиришга тўла сарфбар элтирилди. «Ҳали вақт эрта, кўсаклар яхши очилмапти» деган зарарли кайфиятга барҳам берилмапти. «ВЛКСМ 60

йиллик» совхозини илгорлар қаторида тилга олинди. Баҳо-лонки, бу хўжаликда пахта тайёрлаш топшириги эндиликча 15 процент атрофида бажарилди, холос.

«Самарқанд» совхозиде айниқса ташвишли аҳвол юз бермоқда. Хўжалик бўйича ҳали йиллик панини 10 проценти атрофида ҳам пахта терилгани йўқ. Кунлик «ўсиш ҳатто бир процентини ҳам ташкил қилмапти. Аҳвол шундай давом этаяверса, 6950 тонналик марра қачон эгалланади! Юқорида Пахтачи райони бўйича ҳар бир теримчи ҳисобига ўртача 80 килограммдан пахта тўрача келаяпти.

айтиб ўтилди. Большевик райони бўйича эса киши боши ҳисобига 56 килограммдан пахта тўрача келаяпти, холос. Шунга қарамай, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари теримчилар орасида меҳнат унумдорлигини кўтариш, уларга қўлай шароитлар яратиш бериш ҳақида ўйлаб кўраётганлар йўқ.

Большевик райони ўтган йилларда ҳам пахта тайёрлашда област ва республика бўйича сўнгги ўриллардан яхшироқ келган эди. Бу йил ана шу нуқсонга қатъий барҳам берилди, йўқ! Районда кулиқ пахта тайёрлашда қачон кескин ўзгариш қилинган! Машинлар қачон тўла ишга туширилди! Район раҳбарлари йўқ қўйилган камчиликларини бартараф этиш, ерда илгор раёнкалар сарфидан ўрин олишга қаратилган оператив чоралар қўришлари керак.

НОВОСИБИРСКА ЮКСАК МУКОФОТ

НОВОСИБИРСК, 23 сентябрь. (ТАСС). Новосибирск мамлакат шарҳида йиллик индустриал, илмий ва маданий марказ, Сибирь диверсификация маркази бўлиб қолди. Шаҳар меҳнат-кашларнинг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, улар Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши курашга ҳисса қўшганлиги ҳамда хўжалик ва маданий қўриқ-лидаги муваффақиятлари учун шаҳар Ленин ордени билан мукофотланди.

Бутун шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари, Новосибирск гарнизонини жангчилари намоёндалари билан биргаликда юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети

тининг Сибирь бюроси баянот руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Йиғилиш аҳли самийи кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сибирь бюроси аъзолигида кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воронников мажлисда нутқ сўзлади. У бу йил мамлакат ва Россия Федерацияси халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини таърифлаб, умумий ютуққа Новосибирск области, Новосибирск шаҳри муносиб ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Ўз шаҳри Ватан тарихида жуда катта роль ўйнаётганлиги билан Новосибирскнинг ҳақли равишда фахрлангандилар. Унинг нисбатан қисқа биографиясида кўпгина шояли революцион, жанговар ва меҳнат зафарлари бор.

Ишлаб чиқариш миқёси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва хилма-хиллиги жиҳатидан Новосибирск

мамлакатнинг энг йиллик саноат марказлари қаторидан ўрин олди. Бутун Сибирь илмий-техника потенциалини ушдан бир қисми унинг уллуғига тўғри келади.

Шаҳар меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда КПСС XXVI съезди белгиланган бажариш ва маданий қўриқ-лининг улкан программасини амалга ошириш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

В. И. Воронников тўп-ланганларнинг қараслари остида Ленин орденини шаҳар байроғига қадаб қўйди. Мажлисда сўзга чиққан нотиялар шаҳар ва област меҳнаткашлари юксак мукофотга жавобан беш йиллик топшириқларини бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ ҳўжалигининг барча бўғинларида интизом ва тартибни мустахкамлаш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини сарф-барга етказди, деб иш-тирдилар.

ЖУРНАЛЛАРИНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» —

«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг сентябрь сони босмадан чиқди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими ҳузуридаги оммавий аъборот ва пропаганда воситалари самарадорлигини ўрганиш кенгашида кўрилган «Ишчи-деҳқон мухбирига» эътибор ва ҳам-хўрлик сарлавҳали материаллар олинди. «Матбуотга партия раҳбарлиги» рубрикаси остида Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари Т. Тиллаевнинг «Ташкир қирраларни мақоласи, «Союз-изм иқидий» рубрикаси остида А. Зибининг «Ишчилар ва талабачилик» материаллари берилган.

Журналнинг «Практика» бўлимида Самарқанд области «Лениннинг йўли» газетаси редакциясининг пропаганда бўлими мудири Э. Сенаторованинг «Иқидий ва пухта ўйлаб», Бўка район «Пахтакорлар овози» газетасининг редактори З. Йўлдошевнинг «Ҳосил ваҳтасида», Жомбой район «Шонли меҳнат» газетаси редакторининг ўринбосари Р. Имомовнинг «Пахтачилар — асосий мавзуси», Бухоро тўқимачисининг «Текстильчи Бухоро» кўп тиражли газетасининг редактори В. Юсуповнинг «Ҳамма иш интизомдан бошла» мақолалари эълон қилинган.

«Жанр имкониятлари» рубрикаси остида «Правда Востока» газетасининг мухбири О. Екубовнинг «Касбнинг репортёр бўлиш», «Газета қиёфаси: у қандай бўлиши керак!» рубрикаси остида Задар район «Коммунизм йўли» газетасининг редактори Т. Раҳимовнинг «Давр билан ҳамнафас сарлавҳали мақолаларини ўқий-дизин!» рубрикаси остида ташқари «Турмуш маданияти», «Опирте» фотолубининг меҳмонлари, «Мақорат лабораторияси» рубрикалари остида ҳам бир қатор материаллар ўрин олган. «Китоб. Рецензия. Мулоҳазалар» рубрикаси остида Филология фанлари кандидати Ф. Филомоновнинг «Табаркур заманига таъзия» мақоласи эълон қилинган. Ҳар галгидек, журналист ва ишчи-деҳқон мухбирлар иқидидан намуналар берилган.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

23 сентябрь кунин Москвада биринчи рус марксистик ташкилот — «Меҳнатни озод қилиш» группасининг юз йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Итти-моий фанлар академияси билан СССР Фанлар академияси ўтказди.

Конференцияда сўзга чиққан Марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Т. Иовчук ва бошқа нотиялар «Меҳнатни озод қилиш» группаси фаолиятининг тарихий аҳамиятини таърифлаб бердилар. Ана шу группа Россияда социал-демократияни назарий жиҳатдан асослаб, ишчилар ҳаракати сари биринчи қадамни қўйган эди.

Конференцияда Г. В. Плеханов группанинг ташкилот-часи ва Россияда марксистик ташкилотнинг тарихий пропаганда бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. У ўз фаолиятининг бошланғич даврида халқро ишчилар ҳаракатидаги революцион марксизм учун гоийий курашда катта роль ўйнади. В. И. Ленин Г. В. Плехановнинг марксистик назарий, айниқса фалсафий асарларини юксак қадрлар эди. Бу асарлар мамлакатимизда неча мартабала нашр этилган.

Россияда биринчи марксистик ташкилотнинг тарихий таърибаси марксизм таълимоти ҳозир бузуб кўрсатилганлигига қарши, илмий коммунизм назариясининг сохталарига қарши курашда ақтуал эканлиги таъкидланди.

Конференция ишида олимлар, партия ходимлари, КПСС ветеранлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари иштирок этдилар.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ТЕРМИЗ, 23 сентябрь. (ЎзТАГ). Бутун бу ерда халқ депутатлари Сурхондарё области Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда областнинг кизмат кўрсатиш соҳаси қоронлариде ташкилотлари ва муассасаларида иш режими-нинг ва меҳнат интизомини мустахкамлашнинг аҳвали ҳамда бу ишларни тартибга солиш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Область ижроия комитетининг раиси Н. Т. Туропов доклад қилди. Сайловчиларнинг на-казлари қандай бажарилаётганлиги ҳам муҳокама этилди.

Сессияда Сурхондарё области партия комитетининг биринчи секретари А. А. Каримов нутқ сўзлади.

НАВОЙИ, 23 сентябрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Навоий области Советининг бутун бўлиб ўтган сессиясида КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва 1983 йил июни Пленумларининг талаб-лари асосида область колхоз ва совхозларида иқидий ишчи янада ақшиллаш масалалари муҳокама этилди. Область ижроия комитетининг раиси У. А. Асатов доклад қилди.

Сессияда Навоий области партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин нутқ сўзлади.

НАМАНГАН, 24 сентябрь. (ЎзТАГ). Бутун бу ерда халқ депутатлари Наманган области Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июни Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўрток Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқлари халқ депутатлари Советлари томонидан қандай бажарилаётганлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда Наманган области ижроия комитети раиси М. Обидовнинг доклады тингланди.

БУХОРО, 24 сентябрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Бухоро области Советининг бутун бўлиб ўтган сессиясида мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар ишнинг аҳвали ва партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июни Пленуми қарорлари асосида уларнинг янада ақшиллаш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ешлар иш билан шуғулланувчи область совети доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисобот ҳам тингланди. Сессияда область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов сўзга чиқди.

ПЛАНИТЭТАНИНГ БИР КУНИ

ТАСС мухбирлари хабар қиладилар ДўСТЛИК НАМУНАСИ

● ВЬЕНЬЯН. Лаос — Совет дўстлиги жамаияти СССР билан ЛХДР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигини пропаганда қилиш соҳасида катта иш олиб бормоқда. Пойтахт яқинидаги Донгчонг райониде жойлаш-

ган авторемонт устаконаларининг коллектив яқинда шу жамаият сафарига қабул қилинди. Устаконалар Совет Иттифоқининг ёрдами билан ташкил қилинган эди.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

● АДАМ. Яман Халқ Демократик Республикасида маҳаллий халқ кенгашларига депутатлар сайлашга тайёргарлик

ниҳоясига етди. Расмий равишда эълон қилингандек, бу сайлов 4 октябрдан 6 октябргача ўтказилади.

МЕХНАТКАШЛАР ТАЛАБИ

● БУЭНОС-АЙРЕС. Давлат қороналарида банд бўлган Аргентина меҳнаткашларидан 1 миллион 300 мингдан кўпроқ киши иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб этиб 24 соатлик забастовка

эълон қилди. Аргентина пойтахтида энг зарур молларнинг нархи ҳақдан ташқари ошиб кетганлигига, очарчилик ва қашоқчиликка қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

НОРОЗИЛИК БАЁНОТИ

● ТОКИО. Япония Компартиясининг парламент фракцияси яқинда АҚШнинг 7-флот составига қиритилган энг янги «Карл Винсон» атом авианосецининг 1 октябрда қилдиган визити дарҳол ба-

жор этилишини талаб қилди. Бу талаб коммунист-депутатлари Япония баш миинистри Я. Накасонига ва АҚШ президенти Р. Рейганга йўллаган норозилик баёнотида ифодаланган. (ТАСС).

СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ЖАЗАВАГА БЕРИЛИБ...

АҚШ вице-президенти Ж. Буш социалистик мамлакатларга расмий визит қилганидан сўнг, чегарадан ўтиш биланоз СССРга ва бошқа социализм мамлакатларига нобатан қўпол хуруқларга тўлиб-тошган ҳақоратомуз нутқ сўзлади. Бушнинг Венадаги Хофбург саройида сўзлаган нутқидан кузатиладиган мақсад президент Рейган социализмга қарши эълон қилган «салб юриши» фронтини кенгайтиришдан, Совет Иттифоқини ва унинг сиёсатини баъдом қилишга уринишдан, унга нисбатан душманлик тўғрисидаги авж олдиришдан, дунёдаги в

